

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.TIB.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАЙМАРДАНОВ ЭРКИН ҚАРЖОВОВИЧ**

**ТУҚҚАН АЁЛЛАР ЧАНОҚ ТУБИ ДИСФУНКЦИЯСИДА ДЕФЕКАЦИЯ  
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ РАЦИОНАЛ  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**14.00.27 - Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шаймарданов Эркин Каржовович**

Тукқан аёллар чаноқ туби дисфункциясида дефекация бузилишларини ташхислаш ва даволаш рационал концепцияси..... 3

**Шаймарданов Эркин Каржовович**

Рациональная концепция диагностики и лечения нарушений дефекации при дисфункции тазового дна у рожавших женщин..... 21

**Shaymardanov Erkin Karjovovoch**

The rational conception of diagnosis and treatment of defecation disorder at dysfunction of the pelvic floor in parous women..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.TIB.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАЙМАРДАНОВ ЭРКИН ҚАРЖОВОВИЧ**

**ТУҚҚАН АЁЛЛАР ЧАНОҚ ТУБИ ДИСФУНКЦИЯСИДА ДЕФЕКАЦИЯ  
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ РАЦИОНАЛ  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**14.00.27 - Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

---

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib119 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Наврузов Бехзод Саримбекович</b> Тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хакимов Мурад Шавкатович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Абдужаппаров Сулаймон Бахриддинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги</b> <b>«А.Н. Рижих номидаги давлат колопроктология</b> <b>илмий маркази» Федерал давлат бюджет муассасаси,</b> <b>Москва</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, «репродуктив ва кекса ёшдаги аёллар орасида чаноқ туби дисфункцияси (ЧТД) частотаси 15-30% ни ташкил қилади, 2030 йилга келиб эса дунёда қарийб 63 млн. аёллар ушбу патология билан хасталаниб, «яширин эпидемия» тусини олади, бу эса, мазкур касалликлар гуруҳини энг долзарб мултидисциплинар муаммолар қаторига қўшади<sup>1</sup>. ЧТДни энг мураккаб шаклларида бири ичак сақламасини тута олмаслик бўлиб, у 24-53% ҳолатларда сийдик тута олмаслик билан ва 7-22% ҳолатларда жинсий аъзолар пролапси билан бирга кечади. Дефекация ва сийдик ажратиши бузилиши аёлларга нафақат жисмоний, балки руҳий азиятлар олиб келади, ижтимоий чегараланиш, жинсий фаоллик сусайиши, меҳнат қобилияти пасайишига, жиддий руҳий муаммолар келиб чиқишига олиб келади ва ҳаёт сифатини кескин пасайтиради. Жаҳон маълумотларига кўра, «ЧТД билан касалланган ўнта аёлдан бири ҳаёти давомида жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказади, учдан бир ҳолатларда эса қайта амалиёт талаби пайдо бўлади. АҚШ миллий соғлиқ институтлари ушбу хасталиқни даволашга кетадиган йиллик молиявий харажатларни 10,3 млрд. долларга баҳолашмоқда»<sup>2</sup>. Мазкур ҳолатни кўпчилик тадқиқотчилар ноадекват жарроҳик амалиёти, амалиётдан олдинги даврда беморларни етарлича тайёрламаслик ва амалиётдан кейинги даврни тўғри олиб борилмаслиги билан изоҳлайди.

Жаҳон амалиётида бугунги кунда энг долзарб гистологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотларда чаноқ аъзолари пролапси (ЧАП) бўлган беморлар тўқимаси чаноқ туби таркибий қисмлари мушак ва бириктирувчи тўқималар патологик ўзгаришлари уни етишмовчилигини келтириб чиқариши мумкинлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлари давом этмоқда. Бириктирувчи тўқима дисплазияси ривожланиши мойиллик қилувчи омиллардан саналиб, унинг негизида бириктирувчи тўқима хужайрадан ташқари матрикс таркибий қисми бўлган синтез ва катаболизм жараёни ёки морфогенез бошқаруви нуқсонлари ётишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тизимли дисплазия шаклланиши патогенетик механизмларини тадқиқот жарёнида нафақат туғруқлар, шикастланишлар, қорин бўшлиғи ички босимининг ошиши каби касалликни асосий триггерлари мунозараларга сабаб бўлади, балки асосида бириктирувчи тўқима ирсий детерминирланган нуқсонлар бўлган бошқа нейросенсор омиллар ҳам маълум аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

<sup>1</sup>Machin S. E., Mukhopadhyay S. Pelvic organ prolapse: review of the aetiology, presentation, diagnosis and management // Menopause Int. - 2011. - Dec. - Vol. 17, №4. - P. 132-6.

<sup>2</sup>Духин А.О., Радзинский В.Е., Тотчиев Г.Ф., Санакоева Т.М. Хирургическая коррекция пролапса гениталий, и оценка качества жизни пациенток пожилого и старческого возраста //Вестник Российского университета дружбы народов. - 2003. - №1. - С. 166-9.

устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечирishiни таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ЧТД бўлган беморларда жарроҳлик тактикасини мукамаллаштириш ва касаллик қайталанишини камайтиришни самарали усуллари ишлаб чиқиш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чанок туби пластикасини замонавий концепцияси шикастланган ва нуқсонли чанок фасциясини «янгисига» алмаштиришга асосланади, бу патогенетик жиҳатдан асосланган ва кичик чанок аъзоларига ишончли таянчли таъминлайди. Бироқ Maher C<sup>4</sup> Кахрейн кутубхонаси маълумотларини таҳлил қилиб, 323 нафар беморларни қамраб олган 3та тасодифий тадқиқотларга асосланиб, протезловчи жарроҳликни анъанавий орқа колпорафиядан етарлича устунликларини топмади. 2016 йилда Food and Drug Administration (FDA) чанок туби реконструктив-пластик жарроҳлигида тўрлар юқори хавф воситалари саналишини таъкидлади<sup>5</sup>. Охириги 5 йил мобайнида ЧАПда трансвагинал полипропилен тўри ишлатилган амалиётлар натижаларини узоқ суд муҳокамасидан кейин компаниялар бозордан ўз хоҳишига кўра махсулотларини олишган ёки махсулотни трансвагинал ишлатилишига чек қўйишган. Шу сабабли, ЧАПни даволашда маҳаллий тўқималардан фойдаланиш яна долзарб бўлиб қолди. Dallenbach P<sup>6</sup> фикрича, «ЧАПни

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>4</sup> Maher C. Surgery for women with anterior compartment prolapse / C. Maher, B. Feiner, K. Baessler, C. Christmann-Schmid, N. Haya, J. Brown // Cochrane Database Syst Rev. – 2016. – Nov 30. 11:CD 004014.

<sup>5</sup> FDA strengthens requirements for surgical mesh for the transvaginal repair of pelvic organ prolapse to address safety risks. Режим доступа: <http://www.fda.gov/newsevents/newsroom/pressannouncements/ucm479732.html>.

<sup>6</sup> Dallenbach P. To mesh or not to mesh: a review of pelvic organ reconstructive surgery / P. Dallenbach // Int. O. Women's Health. s 2015. Vol. 7. P. 331-343.

даволашда дастлабки танлов – маҳаллий тўқималар ва фасция пликацияси ҳисобланади».

ЧАПда даволаш усулини танлаш жуда мураккаб, у бир қатор омилларга боғлиқ: пролапс даражаси, туғиш фаолиятини сақлаб қолиш эҳтиёжи, дефекация ва сийдик ажратиш бузилиши хусусиятлари, ёндош экстрагенитал касалликлар, жарроҳлик амалиёти ва анестезиологик ёрдам хавфи даражаси билан ифодаланади. Шунга қарамай, ҳозиргача ушбу беморларни амалиётдан олдинги тайёргарлик асослари ва жарроҳлик амалиёти танлов мезонлари етарлича тўлиқ келтирилмаган<sup>7</sup>. Қисқа муддат оралиғида чаноқ туби анатомиясини замонавий талқин қилишда, ЧАП ривожланиш механизмларини тушунишда муҳим тараққиётга эришилган. Сонография ва магнит-резонанс томография каби юқори информатив текширув усулларининг доимий техник мукаммалашуви чаноқ туби ва чаноқ аъзолари анатомияси ва функционал ҳолатини ноинвазив усулда баҳолаш имкониятини беради. Бироқ ЧАПни комплекс ташхислаш ва прокто-урогенитал бузилишлар ўртасида сабаб-натижа алоқаларга оид кўпгина очик масалалар ўз ечимини топмаган<sup>8</sup>. Жаҳон амалиётида таъкидланишича, ЧТДни коррекциясида кўп сонли жарроҳлик технологиялар мавжудлигига қарамасдан, даволаш натижалари қониқарсиз, касаллик қайталаниш кўрсаткичи амалиётдан кейинги яқин 3 йил мобайнида учдан бир беморда учрайди. Кўшни чаноқ аъзолари фаолияти бузилишини ҳисобга олмаслик, асосан яширин фасциал нуқсонлар аниқлаш мушкуллиги ва ноадекват жарроҳлик амалиёти касаллик қайталанишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ЧАПдаги барча анатомик ва функционал бузилишларини бир босқичда жарроҳлик усулида даволашнинг истиқболли ғояларига қарамай, бу муаммо ҳозирча ўз ечимини топмаган. Қониқасиз натижалар фоизи юқорилиги, мукаммал даво услуб танлови йўқлиги ушбу соҳада изланишларни давом эттиришга ундайди. Юқорида баён этилганлар ЧТД бўлган беморларни жарроҳлик усулда даволашда янги ишланмалар яратиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича мукаммал ёндашувлар, хусусан, касаллик қайталаниш кўрсаткичинини камайтириш ва репродуктив фаолиятни сақлаш заруратини туғдиради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг 01.6.1500212-сон «Одам жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашда янги йўналишлар» (2015-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тукқан аёллар дефекация фаолияти бузилишида жарроҳлик усулларини оптималлаштириш орқали даволаш натижаларини ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

<sup>7</sup>Савельева Г.М., Сухих Г.Т., Серов В.Н., Радзинский В.Е., Манухин И.Б. Национальное руководство «Гинекология». 2-е издание, переработанное и 198 дополненное / Г.М. Савельева, Г.Т. Сухих, В.Н. Серов, В.Е. Радзинский, И.Б. Манухин, М.: «ГЭОТАР-Медиа»: 2017. 1007 с.

<sup>8</sup>Краснопольский В.И., Титченко Л.И., Буянова С.Н., Чечнева М.А. Возможности ультразвуковой визуализации анатомии и патологии тазового дна // Российский вестник акуш. гинекол. - 2009.- №5.- 112 с.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

чаноқ туби дисфункцияси бўлган беморларда дефекация фаолиятини комплекс баҳолашда клиник ва инструментал текширув усулларининг ташхисга оид қийматини аниқлаш;

туққан аёллар дефекация фаолияти бузилишларида олдинги леваторопластика ва вентрофиксациянинг анъанавий шаклларини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини баҳолаш;

амалиётдан олдинги ва кейинги даврда чаноқ туби дисфункциясида дефекация фаолияти бузилиши беморлар сексуал фаолият ва ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш;

чаноқ туби дисфункцияси бўлган туққан аёлларда дефекация фаолиятининг бузилишини чаноқ тубини комплекс баҳолаш асосида жарроҳлик усулини танлаш тактик алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2002 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сон Республика клиник шифохонаси колопроктология бўлимида даволанган 350 нафар чаноқ туби дисфункциясида дефекация бузилишлари бўлган беморнинг даволаш натижалари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** туққан аёллар дефекация бузилишларида такомиллаштирилган жарроҳлик услублар самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланилди: психометрик, морфометрик, умумий клиник, инструментал (ултратовуш, эндоскопик, рентгенологик ва МРТ текшируви) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чаноқ туби дисфункцияси бўлган беморлар дефекация фаолиятини комплекс баҳолашда тўғри ичак ва анал сфинктерининг клиник ва функционал тадқиқот усуллари информативлиги аниқланган;

табiiй туғруқ йўллари орқали туққан аёлларда проктологик ва урогинекологик бузилишлар оғирлик даражасини белгиловчи барча ташхислаш жиҳатларни умумлаштирган оралиқ соҳасини баҳолаш интеграл тизими такомиллаштирилган;

туққан аёлларда чаноқ аъзолари пролапси ривожланишида туғруқ жараёни кечиш хусусиятлари, туғруқ травматизми, касб фаолияти, антропометрик кўрсаткичлари ва ёндош уrogenитал бузилишлар мавжудлиги каби специфик хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда клиник ва патогенетик жиҳатлари аниқланган;

туққан аёлларда дефекация бузилиши оғирлик даражасига қараб чаноқ туби дисфункцияси сексуал фаолият ва ҳаёт сифатига таъсири асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чаноқ туби дисфункцияси бўлган беморлар дефекация фаолиятини комплекс баҳолашда клиник ва инструментал тадқиқот усулларининг



ташхисга оид қиймати аниқланган, бу даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

туққан аёлларда дефекацияни алоҳида ҳамда қўшма бузилишларида такомиллаштирилган олдинги леваторопластика ва вентрофиксация амалиётларининг яқин ва узоқ натижалари яхшиланишида самарадорлиги аниқланган;

чаноқ туби дисфункцияси бўлган беморлар дефекация фаолияти бузилишида сўровномалар ёрдамида сексуал фаолият ва ҳаёт сифати ҳолатини аниқловчи тадқиқот ўтказилган, бу амалиётдан олдинги ва кейинги даврда дефекация бузилиши белгилари оғирлик даражасини объектив баҳолаш имконини берган;

туққан аёллар дефекация бузилишида оптимал жарроҳлик даволаш усулини танлаш учун чаноқ туби ҳолатини комплекс баҳолашни кўзда тутувчи, амалиёт натижаларини яхшиловчи ва касаллик қайталаниш частотасини пасайтирувчи тактик алгоритм ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланилувчи клиник, лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойиллар бўйича олиб борилган. Статистик ишлов бериш натижаларининг ишончилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар туққан аёллар чаноқ туби дисфункцияси кечишини клиник ва функционал хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиб, тўғри ичак ва анал сфинктерини турли тадқиқот усуллари информативлигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, ундаги асосий хулоса ва тавсиялар турли даражадаги тиббиёт муассасаларида дефекация бузилишлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда қўлланиши мумкин ҳамда такомиллаштирилган олдинги леваторопластика ва вентрофиксация усулларининг техник устунликлари исботланган, улар эса таклиф этилган тактик алгоритм билан биргаликда жарроҳлик ва консерватив даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чаноқ туби дисфункциясида дефекация бузилиши билан беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Аёлларда чаноқ туби дисфункциясини ташхислаш хусусиятлари ва даволаш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 8н-з/178-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар қўлланилиши даволаш тактикасини оптималлаштириш, операциядан кейинги асоратлар частотасини пасайтириш имконини берган;

чаноқ туби дисфункциясида дефекация бузилиши бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика 1-сон клиник касалхонаси колопроктология бўлими, Тошкент шаҳар 2-сон клиник касалхонаси ва Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 8н-з/178-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг олинган натижалари амалиётга татбиқ этилиши ташхислаш босқичида хатоларни 23,1% дан 8,3% гача, амалиётдан кейинги эрта асоратлар частотасини 15,4% дан 8,3% гача ва касаллик қайталанишини 11,5% дан 4,2% гача камайтириш ҳисобига тиббий ёрдам сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 14 та мақола, шундан 13 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика илмий ва тадқиқотлари устувор йўналишларига мослигини, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тукқан аёлларда чаноқ туби дисфункцияси муаммосининг замонавий ҳолати**», деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган ва тўртта бўлимдан иборат бўлиб, уларда ЧТД муаммоси ҳолати ҳақидаги маълумотлар, анатомик хусусиятлари, хавф омиллари, клиник жиҳатлар, ташхислаш хусусиятлари ва ушбу патологияни даволашнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида ЧТД идентификацияси ва дифференциациясининг кўпчилик жиҳатларида ноаниқликлар мавжудлигига урғу бериб ўтилган. Диагностика мезонлари ва турли усуллари стандартлаштириш масалаларида илмий изланишларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги хулоса сифатида келтирилган.

Таҳлил қилинган маълумотларни умумлаштирувчи хулосалар бобни яқунлаган.

Диссертациянинг «Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари», деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек қўлланган тадқиқот усуллар ҳақида маълумот кўрсатилган.

Тадқиқот ЧТД, хусусан дефекация бузилишлари бўлган 350 нафар 19-74 ёшли (ўртача  $40,5 \pm 5,3$  ёш) беморларни комплекс текшириш ва даволашга асосланган. Тадқиқот 2002 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда ЎзР ССВ 1-сонли РКШни колопроктология бўлимида олиб борилган.

Беморлар жарроҳлик даво услуби танланишига қараб икки гуруҳга бўлинди. Қиёсий гуруҳга 178 нафар бемор (2002 - 2011 йиллардаги касаллик тарихлари ретроспектив таҳлили асосида) киритилган бўлиб, уларга анъанавий усулда жарроҳлик амалиёти, яъни оралик соҳасидан – кўп қаторли олдинги леваторопластика, абдоминал соҳадан – бачадонни қорин олд деворига Кохер усулида фиксациялаш бажарилган. Асосий гуруҳга эса 172 нафар бемор киритилган, уларга жарроҳлик амалиётлари такомиллаштирилган услубда бажарилган: оралик соҳасидан – бир қаторли чоклар ёрдамида олдинги леваторопластика (рац. таклиф № 639, 17.05.2012й.), абдоминал соҳадан – бачадонни симфиз соҳасидаги ligamentum pubeum superior га фиксациялаш (рац. таклиф № 682, 23.03.2015й.).

Қиёсланган гуруҳлар ўзаро ёш, касб, касалликлар таснифига кўра репрезентабел бўлган ( $p > 0,05$ ).

ЧАП мавжуд бўлган беморларнинг касаллик ривожланиш тарихи ўрганилганда, 121 (34,6%) нафар беморда 2 йилдан 5 йилгача, 229 (65,3%) нафар беморда эса 5 йилдан кўплиги аниқланди. Касаллик давомийлиги ўртача  $8,9 \pm 1,7$  йилни ташкил қилди.

Беморларни қиёсий гуруҳларда аниқланган дефекация бузилишларини алоҳида ва қўшма кўринишлари бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.


#### 1-жадвал

#### Тукқан аёлларда ЧТДда дефекация бузилишини алоҳида ва қўшма шакллари

Клиник шакллари	Асосий гуруҳ		Қиёсий гуруҳи	
	n	%	n	%
Алоҳида ректоцеле	57	33,1	59	33,2
Ректоцеле ва цистоцеле	7	4,1	4	2,2
Туғруқдан кейинги ректовагинал оралик йиртилиши ва анал сфинктери етишмовчилиги	81	47,1	88	49,4
Тўғри ичак тушиши	18	10,5	17	9,6
Тўғри ичак ва бачадон қўшма тушиши	9	5,2	10	5,6
Жаъми	172	100	178	100

ЎзР ССВ 1-сонли РКШ худудидаги колопроктология бўлимида ишлаб чиқилган текширув босқичлар дастури қуйидаги текширувларни ўз ичига олди: психометрик услуб (анкета сўровномаларни қўллаш), оралиқ соҳасини интеграл баҳолаш тизими (умумий кўрик, қин ва тўғри ичакни бармоқ билан текшириш, функционал синамалар), қин суртмасини текшириш, умумий клиник ва инструментал текширув усуллари ҳамда махсус текширув услублари (Паркс усулида ректоскопия, дефекография, сфинктерометрия, электромиография, кичик тос, оралиқ ва анал канал УТТ ва МРТ текшируви).

Диссертациянинг «Тукқан аёллар ЧТДа дефекация бузилишларини диагностикаси натижалари», деб номланган учинчи бобида турли текширув усуллари натижалари тақдим этилган. Хавф омилларини аниқлашда акушерлик анамнезни ўрганишга алоҳида эътибор берилди, чунки кўпчилик беморлар касаллик ривожланишини туғруқ билан боғлашган. Текширилган беморлар орасида туғруқдан кейинги оралиқ йиртилиши натижасида анал сфинктер етишмовчилиги ҳолатлари 169 (48,3%) ҳолда кузатилган, бундан 146 (86,4%) нафар беморларда ушбу ҳолат биринчи туғруқда, 23 (13,6%) нафар беморларда эса кейинги туғруқларда рўй берган. Кўпчилик беморларда акушерлик анамнези қўшма кўринишда бўлган, масалан йирик хомила, узайган туғруқ, эпизиотомия ва ҳоказо (1-расм).



1-расм. ЧТДа дефекация бузилишлари бўлган беморларнинг акушерлик анамнези

Такомиллаштирилган оралик соҳасини баҳолаш интеграл тизими бўйича ЧТДси мавжуд бўлган 189 (қиёсий – 41, асосий - 148) нафар беморлар текширилди. Чаноқ туби патологиясига туғруқдан кейинги ректовагинал оралик йиртилиши (ТРВОЙ) анал сфинктер етишмовчилиги (АСЕ) билан 27 (42,9%) нафар, ректоцеле билан 23 (36,5%) нафар, алоҳида тўғри ичак тушиши (ТИТ) АСЕ билан 8 (12,7%) нафар, тўғри ичак ва бачадон қўшма тушиши (ТИБҚТ) билан 5 (7,9%) нафар беморлар киритилди. Бунда оралик индексининг (PI) энг юқори кўрсаткичи ТРВОЙ (35,8 балл) ва ТИБҚТ (42,8 балл), энг паст кўрсаткич эса ТИТ (25,5 балл) ва ректоцеледа (22,6 балл) қайд қилинди. Бу кўрсаткичлар ректоцеле ва ТИТ билан оғриган беморларнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиш сабабини тушунтиради ва фақат АСЕ кучайиши беморни мутахассисга мурожаат қилишга мажбур қилади деган хулосани беради.

Инструментал текширув натижаларини таҳлил қилиш давомида, уларнинг информативлиги, сезгирлиги (услугбининг қобилияти - белгилар мавжудлигида уни қайд этиш) ва спецификлиги (услугбининг қобилияти – касаллик мавжуд бўлмаганда уни инкор қилиш) ўрганиш муҳим ўрин тутди. Биз оралик УТТ, эндоскопик, рентгенологик ва МРТ текширувларининг ЧаПда ушбу кўрсаткичлар бўйича натижаларини аниқладик (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Инструментал текширув усулларини ЧТДда дефекация бузилишлари диагностикасида информативлигини статистик меъзонлар (%)**

Статистик меъзонлар	Паркс услубида ректоскопия	Дефекография	Оралик УТТ	МРТ
Сезувчанлиги, %	38,3	68,2	79,8	93,8
Специфликлиги, %	39,6	59,6	78,6	96,3
Информативлиги, %	56,4	72,6	80,3	100

Шундай қилиб, ЧТДда дефекация бузилишларида тўғри ташхислаш учун ҳозирги вақтда барча текширув услублардан фойдаланган ҳолда тўлиқ диагностика ўтказиш мақсадга мувофиқдир, яъни психометрик, клиник, рентгенологик, ултратовушли ва МРТ услублари. Амалиётдан олдинги даврдаги маълумотларини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, клиник ва инструментал текширув услубларни қўллаган ҳолда ўтказилган комплекс текширувлар ЧТД билан касалланган беморларда чаноқ тубининг анатомик ва функционал бузилишлари характери ҳақида етарлича тўлиқ маълумот олишга ёрдам беради. Ушбу параметрлар ҳолати эса даволаш тактикаси ва жарроҳлик услубини танлаш имкониятини яратади.

Диссертациянинг «**Тукқан аёллар ЧТДда дефекация бузилишларини жарроҳлик коррекцияси натижалари**», деб номланган тўртинчи бобида беморларни амалиётдан олдинги тайёргарлик ва жарроҳлик услубида

даволаш натижалари ёритилган бўлиб, анъанавий ва такомиллаштирилган услубларини қўлланилиши ва таққосланиши келтирилган.

Амалиётдан кейинги эрта даврда таққослаш меъзонлари: қин микрофлораси, амалиёт давомийлиги, амалиёт вақтида қон йўқотилиш миқдори, тикув материали, чаноқ туби мушакларини тикиш услуги, амалиётдан кейинги давр давомийлиги, жароҳат битиш тури; узоқ даврда эса: анал сфинктер фаолияти, касаллик қайталаниши, сексуал фаолият ва беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичи бўлди.

Амалиётдан олдинги даврда 291 (83,1%) нафар беморларда қин бактериал микрофлораси ўрганилди ва аниқланган қин микробиоценозидаги ўзгаришлар адекват даволаш ўтказилди. Барча беморлар жарроҳлик амалиётдан олдинги тайёргарлик турига қараб икки гуруҳга бўлинди. Қиёсий гуруҳидаги беморларга (n=159) амалиётдан олдинги даврда анъанавий даволаш (қинни антисептик воситалар ёрдамида санациялаш – фурациллин эритмаси, 0,1% калий перманганат, ромашка дамламаси ёрдамида) ўтказилди. Асосий гуруҳ беморларига (n=132) эса, анъанавий услублар билан бир қаторда қинни озонли эритма билан санация қилинди. Асосий гуруҳ беморларига озонли эритма билан даволаш курси ўтказилгандан сўнг, анъанавий даво олган қиёсий гуруҳига қараганда қин микрофлорасида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди ( $\chi^2=4,47$ ,  $p < 0,05$ ), микроб контаминацияси 2,6 марта камайди.

Беморлар тўлиқ текширилиб, керакли амалиётдан олдинги тайёргарликдан сўнг дефекация бузилиши ифодаланиш даражасига кўра турли хилдаги амалиётлар бажарилди (3-жадвал).


### 3-жадвал

#### Дефекация бузилишлари ифодаланиш даражасига кўра бажарилган амалиёт турлари

Амалиёт турлари	Асосий гуруҳ (n=172)		Қиёсий гуруҳ (n=178)	
	n	%	n	%
Кўп қаторли олдинги леваторопластика (сфинктеролеваторопластика)	-	-	151	84,8
Кохер усулида вендрофиксация ва Россия колопроктология илмий маркази модификациясида Кюммель-Зеренин усулида ректопексия	-	-	27	15,2
Бир қаторли такомиллаштирилган олдинги леваторопластика (сфинктеролеваторопластика)	145	84,3	-	-
Такомиллаштирилган услубда вендрофиксация ва Россия колопроктология илмий маркази модификациясида Кюммель-Зеренин усулида ректопексия	27	15,7	-	-
Жаъми	172	100	178	100

Амалиёт давомийлиги баҳоланганда ректовагинал ораликни кўп қаторли чоклар ёрдамида тикловчи анъанавий олдинги леваторопластика ( $89,4 \pm 8,1$  мин.) такомиллаштирилган бир қаторли олдинги леваторопластика ( $61,2 \pm 4,1$  мин.) амалиётига қараганда узоқроқ давом этди ( $t=5,07$ ;  $df=243$ ;  $p<0,05$ ). Энг кам миқдорда қон йўқотилиш ҳам асосий гуруҳ беморларида бажарилган такомиллаштирилган олдинги леваторопластика ( $72,1 \pm 21,1$  мл) амалиётида кузатилди, қиёсий гуруҳда эса ушбу кўрсаткич анча юқори бўлиб,  $159,5 \pm 32,4$  млни ( $t=4,62$ ;  $df=240$ ;  $p<0,05$ ), фақат 12 (3,4%) нафар беморда операция вақтида қон йўқотиш миқдори 400-500 млни ташкил қилди.


Амалиётдан кейинги эрта даврда жароҳат чоклари етишмовчилиги каби асорат 24 (6,9%) нафар беморда кузатилган бўлиб, шулардан қиёсий гуруҳда – 17 нафар, асосий гуруҳда -7 нафарни ташкил этди. Чанок аъзолари пролапсини жарроҳлик коррекциясидан кейинги бошқа асоратлар 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Дефекация бузилишларини жарроҳлик коррекциясида амалиётдан кейинги эрта асоратлар**

Амалиётдан кейинги даврда стационар шароитда даволаниш кўрсаткичи такомиллаштирилган леваторопластикадан сўнг 7-9 ўрин кунларни (ўртача  $8,2 \pm 0,2$  ўрин кунлар), анъанавий леваторопластика, ҳамда ректопексия ва Кохер усулида венетрофиксация амалиётидан кейин 10-12 ўрин кунларни (ўртача  $11,2 \pm 0,3$  ўрин кунлар) ташкил қилди.

ЧТДда дефекация бузилишлари бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволанишдан кейинги эрта давр натижалари 3-расмда келтирилган.



**3-расм. ЧТДда дефекация бузилишлари бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволанишдан кейинги натижалари (эрта давр)**

Беморлар амалиёт бажарилгандан сўнг 6 -36 ойгача кузатувда бўлишди, қайта муружаат қилган беморларга амбулатор карта очилиб, маълумотлар махсус журналларда қайд қилиб борилди. Шу йўсинда, амалиётдан кейинги узоқ муддатда 273 (78%) нафар беморларни (қиёсий – 152, асосий - 121) кузатиш имконияти бўлди. Узоқ муддатда беморларга ўтказилган даволаш самарадорлиги тахлил қилинганда қуйидаги маълумотлар олинди: 30 (11%) нафар беморларда (қиёсий – 23, асосий - 7) касаллик қайталаниши (рецидив) аниқланган бўлиб, клиник ва инструментал текширув усуллари орқали тасдиқланди.

Беморлар гинекологик курсида қайта кўрилганда орлик соҳаси ҳолати такомиллаштирилган интеграл тизим ёрдамида баҳоланди. Оралиқ соҳаси ҳолати индекси (PI) операциядан олдинги ва операциядан кейинги узоқ муддатдаги қиёсий кўрсаткичи 4-жадвалда кўрсатилган.

**4-жадвал**

**Беморларнинг оралиқ индекси ўртача кўрсаткичи амалиётдан олдинги ва кейинги узоқ муддатда (PI – балларда кўрсатилган)**

Ўтказилган операциялардан кейинги ҳолатлар	Операциядан олдинги давр	Операциядан кейинги давр	
		Қиёсий гуруҳ	Асосий гуруҳ
Леваторопластика (ректоцеле)	22,6	11,8	8,2
Сфинктеролеваторопластика (ТКОЙ)	35,8	10,9	8,4
Ректопексия (ТИТ)	25,5	11,1	10,8
Ректопексия ва вентрофиксация (ТИТ + БТ)	42,8	4,5	7,8

Шундай қилиб, операциялардан кейинги даврда оралиқ соҳасининг 2-3 марта yaxшиланишини иккала гуруҳ беморларида ҳам кузатиш мумкин, лекин



асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич қиёсий гуруҳидан 25-30% яхшироқ бўлди.

Инструментал текширув усуллари орқали узоқ муддатда даволаш самарадорлигини баҳолашда сфинктерометриядан (n=273) фойдаландик. Қиёсий гуруҳда сфинктерометрия натижалари қуйидагича бўлди: тинч ҳолатда ўртача қиймат 25,7 мА, кучантирилганда – 39,6 мА, асосий гуруҳда ушбу кўрсаткичлар 37,2 мА ва 46,8 мА ни ташкил қилди, бу эса АСЕ 0-I даражасига мос келади. Амалиётдан олдинги даврда қиёсий гуруҳда сфинктерометрия натижалари: тинч ҳолатда – 20,2 мА, кучантирилганда – 32,7 мА, асосий гуруҳда эса ушбу кўрсаткичлар 22,5 мА ва 35,9 мА ташкил қилди. Натижалар таққосланганда амалиётдан кейинги узоқ муддатда иккала гуруҳда ҳам сфинктерометрия кўрсаткичлари яхшиланганлиги аниқланди.

Трансабдоминал УТТ услули венетрофиксация (n=18) амалиётдан кейинги даврда бачадон ҳолатини аниқлаш мақсадида бажарилди. Қиёсий гуруҳида 1 нафар беморда бачадон тўлиқмас тушиши (рецидив) ҳолати аниқланди, яъни бачадон танаси симфиздан пастда жойлашган эди, 2 нафар беморда бачадон симфиз сатҳидалиги маълум бўлди. Асосий гуруҳ беморларида ушбу ўзгаришлар аниқланмади.

Сексуал фаолиятни баҳолаш учун ўтказилган сўровномада 140 (40%) нафар бемор (қиёсий – 38, асосий - 102) иштирок этишга розилик беришди. Ушбу сўровнома сексуал фаолиятни баҳолаш учун мўлжалланган махсуслаштирилган қисқа шаклдаги PISQ-12 сўровномаси орқали амалга оширилди. Таққослаштирилган леваторопластиканинг жинсий ҳаётга ноҳўя таъсири 7% ҳолатда кузатилди, диспареуния йўқолиши ёки камайишини эса 60% беморлар қайд этишди.

Сўровнома анкеталаштириш асосида амалиётдан олдинги даврда 228 (65,1%) нафар беморларда ҳаёт сифати ўрганилди (қиёсий - 56, асосий - 172), шулардан 140 (61,4%) нафари (қиёсий – 30, асосий - 110) анал сфинктер етишмовчилиги, қолган 88 (38,6%) бемор эса обструктив дефекация синдроми билан азият чекиши аниқланди. Амалиётдан кейинги узоқ муддатда 109 (31,1%) нафар беморлар (қиёсий – 49, асосий - 60) ҳаёт сифатини ўрганиш имконияти бўлди. Таҳлил натижаларини баҳолашни енгиллаштириш мақсадида иккала гуруҳдаги беморлар касаллик ифодаланиш даражаси ва клиник белгилари кўшилишига қараб 4 та кичик гуруҳларга бўлинди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Амалиётдан кейинги даврда асосий ва қиёсий гуруҳ беморлар ҳаёт сифати қиёсий кўрсаткичлари

Беморларнинг гуруҳлари	Ҳаёт сифати (%)		Маълумотлар ишончлилиги
	Қиёсий гуруҳи (n=49)(M±m)	Асосий гуруҳ (n=60) (M±m)	
I кичик гуруҳ	75,2±7,3	87,6±6,4	t=1,28, p>0.05
II кичик гуруҳ	66,4±6,7	85,2±5,6	t=2,15, p>0.05
III кичик гуруҳ	47,2±4,9	83,9±5,2	t=5,14, p<0.05
IV кичик гуруҳ	35,7±3,8	80,1±6,2	t=6.4, p<0.05

Амалиётдан кейинги даврда асосий ва қиёсий гуруҳ беморлари ҳаёт сифати таққосланганда, дастлабки 2 кичик гуруҳларда кўрсаткичлар асосий гуруҳда қиёсий гуруҳига нисбатан ўртача  $31,7 \pm 1,3\%$  га юқори бўлди, биз буни ушбу гуруҳ беморларига ўзимиз ишлаб чиққан замонавийроқ жарроҳлик услублар натижасида чаноқ тубининг анатомик ва функционал ҳолатлари яхшиланиши билан изоҳладик. III ва IV кичик гуруҳ беморларида ҳаёт сифати яхшиланиши асосий гуруҳда қиёсий гуруҳига қараганда ўртача  $77,9 \pm 6,9\%$  га юқори бўлиб, асосан барча анатомик бузилишларни тўлиқ бартараф қилиниш билан тушунтирилади.

Тадқиқот натижасида туққан аёллар чаноқ туби ҳолатини комплекс баҳолашга асосланган, тўғри ташхис қўйиш ва оптимал жарроҳлик услубини танлаш имкониятини берувчи ЧТДда дефекация бузилишларида жарроҳлик усулини танлаш тактик алгоритми яратилди (4-расм).

Шундай қилиб, дефекация фаолияти бузилиши бўлган беморларда ҳаёт сифатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ушбу патологияни комплекс даволаш ва иложи борида барча анатомик нуқсонларни тўлиқ бартараф этишни тақозо қилади, бу айниқса ёш аёлларда жуда муҳим аҳамият касб этади.


## ХУЛОСА

1. Туққан аёллар ЧТДда дефекация бузилишларини ташхислаш ва даволаш рационал концепцияси учун, чаноқ туби мушак-бириктирувчи тўқима каркасининг барча анатомик тузилмаларидаги нуқсонларини қамраб олувчи дефекография, эндоскопия, орлик УТТ ва МРТ каби усуллардан иборат комплекс клиник-инструментал текширув ўтказиш лозим, бу эса оптимал жарроҳлик услубини танлаш имкониятини беради. Бунда оралик УТТ сезувчанлиги  $-79,8\%$  ни, спецификлиги эса  $-78,6\%$  ни, Паркс услубида ректоскопия  $-38,3\%$  га,  $39,6\%$  ни, дефекография  $-68,2\%$  га,  $72,6\%$  ни ва МРТ  $93,8\%$  га,  $96,3\%$  ташкил этди.

2. Туққан аёллар ЧТДда алоҳида ва қўшма дефекация бузилишларида такомиллаштирилган жарроҳлик коррекция усуллари анъанавий усулларга қараганда самаралироқ натижалар олиш имконини беради. Чунончи, такомиллаштирилган усуллар қўлланилган асосий гуруҳда асоратлар частотасини  $9,6\%$  дан  $4,1\%$  гача ( $p < 0,05$ ), даволаниш муддатини эса  $11,2 \pm 0,3$  дан  $8,2 \pm 0,2$  ўрин кунга ( $p < 0,05$ ) қискартиришга эришилди.

3. Амалиётдан кейинги даврда беморлар ҳаёт сифати баҳоланганда, асосий гуруҳда яхшироқ натижалар олинди: сексуал фаолият бўйича  $-54,9\%$  ва руҳий компонент бўйича  $80,1\%$ , ушбу кўрсаткичлар қиёсий гуруҳда  $15,8\%$  ва  $35,7\%$  ни ташкил қилди.

4. Туққан аёллар чаноқ туби ҳолатини комплекс баҳолашга асосланган ЧТДда дефекация бузилишларида жарроҳлик усулини танлаш тактик алгоритми тўғри ташхис қўйиш ва оптимал жарроҳлик услубини танлаш имкониятини яратади.



4-расм. Тўққан аёллар чанок туби дисфункцияси дефекация бузилишларида оптимал жаррохлик усулини танлаш тактик алгоритми

Алгоритм чаноқ туби муаммоси билан шуғулланувчи барча мутахассислар учун қулай, ташхислашни фақат махсус даволаш муассасаларида эмас, балки соғлиқни сақлаш тизимининг умумий тармоқларида ҳам ўтказиш ва адекват даво усулини танлашга қўмаклашади.

5. Дефекация бузилиши бўлган беморларни жаррохлик даволашда қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаблари ноадекват амалиётдан олдинги тайёргарлик ва амалиёт бажариш техникаси ҳисобланади. Оралиқ соҳасида амалиёт бажарилишидан олдинги даврда қин тозалигини II даражасига эришиш лозим, амалиёт вақтида эса чоклар сонини камайтирган ҳолда прецизион техникадан фойдаланиш керак бўлади.

---

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.ТІВ.49.01 ПРИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ  
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**ШАЙМАРДАНОВ ЭРКИН КАРЖОВОВИЧ**

**РАЦИОНАЛЬНАЯ КОНЦЕПЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ  
НАРУШЕНИЙ ДЕФЕКАЦИИ ПРИ ДИСФУНКЦИИ ТАЗОВОГО ДНА  
У РОЖАВШИХ ЖЕНЩИН**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib119.**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Наврузов Бехзод Саримбекович**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** **Хакимов Мурад Шавкатович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Абдужаппаров Сулаймон Бахриддинович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Федеральное государственное бюджетное учреждение “Государственный научный центр колопроктологии имени А.Н. Рыжих” Министерства здравоохранения Российской Федерации, г. Москва**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №84). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Ф.Г. Назиров**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.В. Девятов**  
Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «частота выявления дисфункции тазового дна (ДТД) среди женщин репродуктивного и пожилого возраста варьирует от 15% до 30% случаев, а к 2030 году этой патологией будет страдать около 63 млн. женщин в мире, что определяет эту группу заболеваний как одну из самых актуальных мультидисциплинарных проблем, достигшей масштабы «скрытой эпидемии»<sup>1</sup>. Одной из наиболее сложных форм ДТД является недержание кала, которое в 24-53% случаев сопровождается недержанием мочи и в 7-22% - генитальным пролапсом. Проблемы нарушения акта дефекации и мочеиспускания приносят женщине не только физические, но и моральные страдания, приводя к социальной замкнутости, уменьшают ее сексуальную активность, трудоспособность, создают выраженные психологические проблемы, значительно снижая качество жизни. Мировые данные свидетельствуют о том, что «в течение жизни одна из десяти женщин с ДТД оперируется по данному поводу, причем в трети случаев требуются повторные вмешательства. Национальные институты здоровья США оценили ежегодные финансовые расходы на лечение этого недуга в размере 10,3 млрд. долларов»<sup>2</sup>. Сложившуюся ситуацию большинство исследователей связывают с неадекватным методом оперативного лечения, плохой предоперационной подготовкой и ведением больных в послеоперационном периоде.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями продолжают оставаться гистологические и иммуногистохимические исследования тканей пациенток с пролапсом тазовых органов (ПТО) для оценки патологических изменений мышечных и соединительнотканых компонентов тазового дна, обуславливающих развитие несостоятельности. Проводятся исследования с выявлением предрасполагающих факторов развития дисплазии соединительной ткани (ДСТ), в основе которой лежат дефекты синтеза или катаболизма компонентов внеклеточного матрикса или регуляторов морфогенеза соединительной ткани. Патогенетические механизмы формирования системной дисплазии остаются предметом дискуссии не только в плане исследования таких основных триггеров заболевания, как роды, травмы, повышение внутрибрюшного давления, но и других нейросенсорных факторов риска, в основе которых определенное значение имеют генетически-детерминированные дефекты соединительной ткани.

В настоящий период в отечественном здравоохранении предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и

---

<sup>1</sup>Аполихина И.А., Додова Е.Г., Бородина Е.А., Саидова А.С., Филиппенкова Е.В. Дисфункция тазового дна: современные принципы диагностики и лечения // Эффективная фармакотерапия. 2016. № 22 (3). С. 16–23.

<sup>2</sup>Bordeianou L, Hicks CW, Olariu A, Savitt L, Pulliam SJ, Weinstein M, Rockwood T, Sylla P, Kuo J, Wakamatsu M. Effect of Coexisting Pelvic Floor Disorders on Fecal Incontinence Quality of Life Scores: A Prospective, Survey-Based Study. //Dis Colon Rectum. - 2015 Nov. – Vol.58(11). – P. 1091-7.

существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности<sup>3</sup>. Реализация данных задач, в том числе, улучшение качества жизни пациенток с ДТД путем совершенствования хирургической тактики и разработки эффективных методов снижения рецидива заболевания, является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» за №УП-5325 от 2 февраля 2018 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров за №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

